O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2008 йил 25 март, № 59 (4469) Сешанба


# ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИ — БОШ МЕЗОН



**Юртбошимиз раҳнамолигида нефть-газ соҳасида ҳам кенг кўламли ислоҳотлар олиб борилмоқда. Жумладан, ер ости захираларини ўзлаштириш мақсадида тизимдаги корхоналарни модернизациялаш, илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш, турли геофизик ва лаборатория ускуналарини харид қилиш, шунингдек, кон қазиш технологияларини ишлаб чиқаришга татбиқ этиш борасида муайян ишлар амалга оширилаётир.**

**Жараён**

Ана шу ишлар самараси ўлароқ, Ўзбекистон дунёда газ қазиб олувчи етакчи давлатлардан бирига айланди. Ҳозирда мамлакатимизда йилига 64 млрд. куб метрдан зиёд ҳажмда табиий газ, шунингдек, қарийб 8,6 млн. тонна суюқ углеводород қазиб олинмоқда. Биргина "Қўнғирот магистраль газ узатиш" бошқармаси ўтган йили истеъмолчиларга 10 млрд.174 млн. куб метр табиий газ етказиб берди. Бу 2006 йилдагига нисбатан 802 млн. куб метр кўпдир.

**СУРАТДА:** (чапдан) бошқарма раҳбари Айтмурот Тожимуратов, цех бошлиғи Қуаниш Файзуллаев ва муҳандис Фахриддин Жуманов.

**Бахтиёр АКРАМОВ олган сурат.**

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ўн учинчи ялпи мажлисининг очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн учинчи ялпи мажлиси 2008 йил 27 март куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

### Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари диққатига

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2008 йил 26 март куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойесида рўйхатга олинади.

*Она заминимизда Наврўз шодиёналари бошланди. Пойтахтимизнинг муҳташам майдони — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида Президентимиз иштирокида бўлиб ўтган ёрқин байрам тантаналари, шу шодиёна чоғида янграган Юртбошимизнинг халқимизга байрам табриги умумхалқ Наврўз тантаналарининг гултожига айланди.*

## ЭРТАНГИ КУН БИЗНИКИ, МАРРА БИЗНИКИ

Президентимиз байрам табригида айтилганидек, халқимиз доимо орзиқиб, интизор бўлиб кутадиган, янги кун ва янги фасл дебочаси, шарқона янги йилнинг бошланиши бўлмиш Наврўз айёми ўзининг маъно-мазмуни, кўрку тароватi, теран фалсафаси билан бошқа байрамлар орасида алоҳида ўрин тутади.

Бу йилги Наврўз айёми яна бир ўзига хосликка эга. У мамлакатимизда алоҳида руҳ ва мазмунда бошланган Ёшлар йилининг Наврўзидир. Бу икки тушунча ўртасида эса ажиб рамзий яқинлик, ички бир ҳамоҳанглик, уйғунлик бор. Чунончи, Наврўз — янги йилнинг баҳорий дебочаси бўлса, ёшлик — инсон умрининг баҳоридир. Пировардида, табиат, мулки борлиқнинг уйғониши ва ривожи Наврўз кунларидан бошланса, ҳар бир халқнинг ва давлатнинг истиқболи, келажаги янги авлоддан, ёшлардан, фарзандлардан бошланади. Йилнинг бошланиши баҳоридан, Наврўзидан аён бўлганидай, Ватан ва халқнинг эртанги куни ҳам унинг бағрида вояга етаётган ёшларига жуда-жуда боғлиқ.

**Ифтихор**

Мустақиллигимизнинг ўтган 17 йиллик тарихий йўлига назар ташлайдиган бўлсак, ватанимиз эртаси учун масъул, ҳар жиҳатдан етук, соғлом ва баркамол, мард ва жасур, ватанпарвар янги авлодни тарбиялаб вояга етказиш йўлида жуда кенг кўламда, улуғвор ишлар амалга оширилганлигига гувоҳ бўламиз.

Мамлакатимизда ёш авлод истиқболи йўлида кўрсатилаётган ғамхўрлик ва эътибор ўз самарасини бера бошлади. Бугун Ўзбекистон ёшлари халқаро миқёсдаги нуфузли кўрик-танловларда, санъат кўргазмаларида, илмий конференциялар ва симпозиумларда, шахмат жангларида, теннис кортларида, бокс рингларида, кураш гиламларида, халқаро гимнастика ва сузиш баҳсларида ҳамда бошқа йўналишларда жаҳонда бошқалардан зиёд бўлса зиёдки, аммо ҳеч кимдан кам эмасликларини тобора дадил намоён этмоқдалар.

Давлатимиз раҳбари ёш авлодни ҳозирнинг ўзидаёқ халқимизнинг эзгу мақсадларга эришиш йўлида, чиндан ҳам, ҳал қилувчи кучга айланиб бораётганлигини алоҳида таъкидладилар.

Дарҳақиқат, худди шу нуқтаи назардан ҳаётимизга бир назар ташлайдиган бўлсак, бу фикр айни ҳақиқат эканлигини англаймиз. Масалан, ҳозирги кунда республикамизда 215 мингдан ортиқ фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда. Уларда 1,6 миллион киши меҳнат қилмоқда. Ана шу фермерлар ва уларнинг раҳбарлигида далада меҳнат қилиб, пахта, ғалла, мева-сабзавот неъматларини етиштираётган кишиларнинг аксарияти, албатта, ёшлар. Мана шу ёшлар бугун қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг қарийб 85 фоизига соҳиблик қилмоқда. Биргина ўтган йилнинг ўзида мамлакат бўйича тайёрланган ялпи пахта ҳосилининг 99 фоизи, ғалланинг 82 фоизи фермер хўжаликлари зиммасига тўғри келади. Мана шундай улкан моддий бунёдкорлик ила банд ёшлар ҳозирнинг ўзидаёқ уларнинг ҳаётдаги ҳал қилувчи кучга айланганлигига ажойиб бир далил эмасми?!

Ўтган йили 223 километрлик «Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон» темир йўли қурилиб, ишга туширилди. Бу йўлни «Аср мўъжизаси» деб таърифлашмоқда. Нега? Сабаби, бу темир йўлнинг неча ўнлаб километри тош-метин жуссали тоғларни парчалаб, кесиб очилди. Бу йўл бунёдкорларининг аксарияти ҳам ёшлар. Достонларда афсонавий қаҳрамонлар тўғрисида «Тоғ келса — кемириб, сув келса — симириб, олға одимлади», дейилар эди. Бундай муболағадор ибораларни мислсиз оғир шароитларда темир йўл ва бошқа йўллар барпо этаётган бугунги ёшлар тўғрисида бемалол айтсак бўлади. Уларнинг ҳар бири — замонамизнинг битта қаҳрамони.

Мамлакатимиз тўқимачилик ва енгил саноат соҳаларини модернизациялаш кейинги пайтда тобора кучаймоқда. Пахта, ипак ва бошқа хом ашёлар бир вақтлар асосан четга сотиларди. Бугун ана шу хом ашёларнинг сезиларли қисми корхоналаримизда қайта ишланиб, тайёр маҳсулотларга айлантирилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

*Жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида баҳор айёми — Наврўз муносабати билан хориждаги юртимиз дипломатия ваколатхоналари томонидан ташкил этилган байрам тадбирлари бўлиб ўтди.*

## НАВРЎЗ ТАРОВАТИ ДУНЁ МАМЛАКАТЛАРИДА УФУРИБ ТУРДИ

Ана шундай тадбирлардан бири Боннда (ГФР) ўтказилди. Уни «Германия — Ўзбекистон» дўстлик жамияти ва ушбу шаҳар мэрлиги томонидан Ўзбекистоннинг Берлиндаги элчихонаси ва Франкфурт-Майндаги Бош консулхонаси билан ҳамкорликда ташкил қилинди. Байрамда шаҳар ижтимоий-сиёсий, ишбилармон, илмий ва маданий доиралари вакиллари, маҳаллий журналистлар, шунингдек, Германиянинг турли шаҳарлари олий ўқув юртларида таҳсил олаётган ўзбекистонлик талабалар иштирок этди.

Бонн шаҳри бургомистри А. Йостин ўз табрик нутқида Германия ва Ўзбекистон ўртасида турли соҳалардаги ўзаро муносабатлар, шунингдек, Бонн билан Бухоро шаҳарларининг шериклик алоқалари ривожи юксак даражада эканини таъкидлади.

Тадбир меҳмонларига Наврўз айёми, унинг келиб чиқиш тарихи ва нишонланиши кўлами, Ўзбекистонда истиқомат қилувчи барча халқ ва миллатлар учун умумий ҳисобланган ушбу нафосат ва баҳор, ёшариш ва янгиланиш байрамининг ўзига хос жиҳатлари тўғрисида батафсил маълумот берилди.

Ўзбек усталари томонидан тайёрланган халқ амалий санъати намуналарининг намойиш этилгани байрамга ўзига хос шарқона шукуҳ бахш этди. Меҳмонлар эътиборига концерт дастури ҳам ҳавола этилди. Кўплаб бонnliклар Буюк Ипак йўлида жойлашган юртимизнинг мафтункор мусиқаларини тинглаб ва гўзал рақсларини томоша қилиб, ўзбек баҳорининг бетакрор таровати тўла ҳис этиш имконига эга бўлди.

«Ўзбекистон — Германия» дўстлик жамияти вакили Френк Лемкенинг таъкидлашича, Наврўзнинг байрам қилиниши Бонн шаҳри маданий ҳаётидаги ёрқин воқеалардан бўлишди.

— Биз, Ўзбекистон дўстлари ушбу айёмни Германияда 1992 йилдан буён анъанавий тарзда нишонлаб келамиз, — дейди у. — Наврўзнинг ажойиб тароватi тўлалигича умуминсоний қадриятлар билан уйғунлашиб кетган. Бугун тадбир иштирокчилари ўзбек халқининг кўҳна тарихи ва маданияти билан яна бир бор ошно бўлди.

**Нигоҳ**

Наврўз байрамига бағишланган кеча Германиянинг Магдебург шаҳрида ҳам бўлиб ўтди. Унинг очилишида сўзга чиққан Саксония-Анхальт федерал ўлкаси бош вазири, профессор Вольфганг Бёмер ўзбек халқининг севимли байрами — Наврўз тантаналари муносабати билан Ўзбекистоннинг ажойиб маданияти билан яқиндан танишиш имконияти юзага келганини қайд этди. У ушбу байрам Саксония-Анхальт ва юртимиз ўртасидаги ўзаро муносабатлар ҳамда иқтисодий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда ҳамкорликни ривожлантиришда ўзига хос кўприк бўлиб хизмат қилишига ишонч билдирди.

Магдебургдаги кўҳна «Фурстенвалл» саройида намойиш этилган «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси санъат усталари — Санъатбек Пармонов, Дилдора Солиева ва Дилшод Аюбов иштирокидаги концерт дастури кечанинг барча иштирокчилари учун жўшқин мусиқий туҳфа бўлди.

Шунингдек, Наврўз баҳор айёмига бағишланган тантанали тадбир Бельгиянинг Ловендегем шаҳрида ҳам бўлиб ўтди. Унда ушбу шаҳар расмий, ишбилармон доиралари ва жамоатчилиги вакиллари қатнашди.

Ловендегем мэри К. Уиспелар ўз сўзида Наврўз байрами кечаси шаҳар аҳлига Ўзбекистоннинг ўзига хос маданияти ва бугунги ҳаёти билан яқинроқ танишиш имконини яратганини таъкидлади. Тадбир қатнашчилари юртимизда Наврўз айёми нишонланиши тарихи ва анъаналари, амалга оширилаётган сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар тўғрисида батафсил ахборотга эга бўлди. Кечада, шунингдек, меҳмонлар учун Ўзбекистон санъат усталари концерт дастури намойиш этилди.

Ловендегем шаҳри мэрлиги ходимаси Анна Курт бир неча йил аввал мамлакатимизга сайёҳ сифатида ташриф буюриб, ўзбек халқи маънавий ва маданий қадриятлари билан бевосита танишиш имкониятига эга бўлганини айтиб ўтди.

— Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент шаҳарларининг бетакрор гўзаллиги, шунингдек ўзбек халқидаги очиққўнгиллик ва самимийлик, ўзига хос маданият ва анъаналар мени ҳайратга солди, — дея таъкидлайди А. Курт хоним. — Ловендегем шаҳрида ўтказилган тадбир ҳамда ўзбекистонлик санъ-

(Давоми 2-бетда).

## МЕҲР-ОҚИБАТ ВА ЭЗГУЛИК АЙЁМИ

**Наврўзи бор элнинг қадди ҳам, қадри ҳам баланд бўлади. Зеро, халқимизнинг миллий қадриятлари, анъанаю удумларини ўзида акс эттирган бу кўҳна байрам ҳар йили мамлакатимизда эзгу ва хайрли амаллар, меҳр-оқибат ва шодлик айёми сифатида кенг нишонланмоқда. Тинч-осуда, тўқ ва фаровон кунларнинг ярашиғи бўлмиш Наврўзи олам бу йил ҳам юртимиз бўйлаб катта тантана ва шодиёналар ила қарши олинди. Бу ҳақда мухбирларимиз хабар беради.**

**Тошкент** вилоятида Наврўз бир ҳафтача бурун Оҳангарон туманининг тоғ ён-бағрида ястанган қадим Телов қишлоғида ўтказилган катта халқ сайлидан бошланди. Ўша куни бу ерда тонгга қадар дошқозонларда сумалак қайнади. Қуёш ётоғидан бош кўтарар-кўтармас, дастурхонга тансиқ таомлар тортилди. Давраларда кўкламона куй-қўшиқлар, шўх лапарлар янгради. Хаял ўтмай, уларга дўстона айтишувлар, ҳазил-мутойибаю халқ ўйинлари, кўпкари ва "қизқувди"лар уланиб кетди. Кейин бу шодиёналар Олмалиқ, Чирчиқ, Бўстонлиқ, Паркент, Қибрай, Янгийўл, Бўка ва Чиноз сингари 21 та туман ва шаҳарга кўчди.

**Шодиёна шукуҳи**

Энг муҳими, байрам баҳона одамлар ўзаро дийдорлашдилар. Кекса ва ногиронлар, ёрдамга муҳтож оилалардан ҳол сўралди. Анъанага кўра, байрам муносабати билан қатор шаҳар ва қишлоқларда янги соғлиқни сақлаш ва таълим муассасалари, саноат, савдо ва маиший хизмат шохобчалари, бозорлар, гузарлар ва бошқа ўнлаб иншоотлар фойдаланишга топширилди.

* * *

**Самарқанд** аҳли бу йилги Наврўзни ҳар қачонгидан-да ўзгача қаршилади. Вилоятдаги барча қишлоқларда айём наволари анча барвақт жаранг сочди. Наврўз тонггида эса Самарқанд шаҳрида халқни сайилга чорловчи жарчиларнинг ҳайқириғи, карнай-сурнай садолари янгради. Регистон майдони, Алишер Навоий номидаги боғ, Сўғдиёна ва Ёшлик номли ором масканлари файзга тўлди. Байрам тадбирларида сумалак, ҳалим, палов каби миллий таомларимиз дастурхонга тортилди. Кўплаб ўқув юртлари, ташкилотлар ташаббуси билан халқ амалий санъатига доир кўргазмалар ташкил қилинди.

Гулу чечаклар билан безатилган Регистон майдони тароватда тенгсиз эди. Катта саҳнадаги таниқли санъаткорларнинг хонишлари барчанинг диққатини жалб этди. Байрамона кайфиятдаги йигит-қизлар, ҳатто боболару момолар шодон рақс тушишарди. Чанқовуз ва дўмбира овози, бахшиларнинг хониши кўпчиликнинг дилига қувонч улашди. Эл-улус боқий байрамимизнинг бугунгидек катта шодиёналар ила кўтаринки кайфиятда нишонланаётганидан руҳланиб, тинч ва фаровон ҳаётимизга шукроналар айтди.

* * *

Аҳмад Фарғоний номидаги маданият ва истироҳат боғи вилоятда зўр кўтаринкилик, шодиёна билан нишонланаётган Наврўз тантаналарининг бош майдонига айланди. Бу ерга **Фарғона** шаҳридаги 54 маҳаллада истиқомат қилувчилар ташриф буюришди. Халқ сайли хиёбондаги 8 саҳнада намойиш этилган байрам томошаларидан ташқари турли кўргазма ва танловлар тарзида давом этди.

Бу йилги тантаналарда вилоятдаги ижодкорлар, рассом ва ҳунармандлар, ҳайкалтарошларнинг ижодий кўриги ҳам ўтказилди. Жами 57 нафар рассом, ҳайкалтарош ва дизайнернинг бадиий ижод намуналаридан иборат намойиш кўпчиликнинг эътиборини тортди.

Боқийлик, бокиралик, янгиланиш ва яшариш айёми бўлмиш Наврўзи олам халқимизнинг азалий удумларига кўра хайру эҳсон, меҳр-мурувват байрами ҳамдир. Шу маънода вилоятдаги Меҳрибонлик уйлари ва махсус мактаб-интернатлари тарбияланувчиларига жами 42 миллион сўмлик Наврўз туҳфалари тортиқ қилинди.

(Давоми 2-бетда).

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ МАТБУОТ ХИЗМАТИ ХАБАРИ

Ўзбекистон «ягона Хитой» бўйича ўз қатъий мавқеини тасдиқлаб, Тибет автоном районини Хитой Халқ Республикасининг ажралмас қисми деб, ҳисоблайди ва Хитойнинг ички иши бўлган, ушбу районда ҳуқуқий тартибни тиклаш ва барқарорликни таъминлаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирларни қўллаб-қувватлайди.

## МАКТАБ ТАЪЛИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УМУММИЛЛИЙ ДАСТУРИ ДОИРАСИДА

Бир рақам шарҳи







**2009** йилда мамлакатимизда мазкур дастур ижроси тўлиқ якунига етгач, замон талабларига жавоб берадиган умумтаълим мактабларида **3** миллион ўқувчи таълим олиш имконига эга бўлади.

**Шу тариқа юртимизда барча ўқувчиларнинг бепул мажбурий умумий таълим билан тўла қамраб олинишига эришилади.**

*Шу йилнинг январь ойида «Туркистон» саройида «Намунали милиция таянч пункти» кўрик-танловининг 2007 йилдаги натижалари бўйича якуний босқичи бўлиб ўтди. Кўрик-танловда, жумладан, ўтган йили мамлакатимиздаги 2658 маҳаллада жиноят содир этилмагани алоҳида таъкидланди.*

# «ИБРАТ БЎЛИШГА ИНТИЛДИК»

Зулхумор Турсунова пойтахтимиздаги «Истиқлол» маҳалласида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи вазифасида ишлайди. Табиатан оғирвазмин, сўзни ўз ўрнида, чертиб-чертиб ишлатадиган бу аёл юқоридаги тадбирда «Энг етакчи диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи» номинацияси ғолиблари қаторидан жой олди. Оқсоқол Жорулло Ҳафизов таъбири билан айтганда, маҳаллага тикан кирса киприги билан оладиган Зулхуморнинг ҳурматини каттаю кичик ўрнига қўяди, гапини икки қилмайди.

— Маҳалламиз Хастимомга ёндош, — дейди Зулхумор, — мажмуа таркибида маҳалла маркази янгидан қурилди. — Юртбошимиз унинг очилишида иштирок этиб, фаоллар билан учрашиб, суҳбатлашган. Шу-шу ҳар биримизнинг кўнглимизда давлатимиз раҳбарининг ишончига муносиб бўлайлик, деган мақсад яшайди. Шу мақсад йўлида биргалашиб меҳнат қиламиз.

Ҳудудимизда 5136 нафар аҳоли истиқомат қилади. Хонадонлар 525, оилалар эса 1086 та. Ҳар бирининг ўзига яраша қувончи, ташвиши бор. Фаол аёллардан иборат маслаҳатчилар гуруҳи тўю маъракаларни бошқариб боришади. Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳумлар хотирасига бағишланган тадбирларни ўтказишда исрофгарчиликка йўл қўймаслик, динимиз, миллий қадриятларимиз, урф-одатларимиз ва анъаналаримизга путур етказмаслик, обрўсизлантирмаслик иш режамизда белгилаб қўйилган. Тўғри, азалий қарашларни ўзгартириш осон эмас. Шунинг учун, аввало, ўзимиз уларга ибрат бўлишга интилдик. Икки йилда учта тўй қилдим. Қудаларим билан олдиндан маслаҳатлашиб олдик. Куёв сарпо, келин сарпо, тоғора юбориш, икки ёшнинг дабдаба билан никоҳдан ўтишлари, ҳайитлик деган нарсаларга чек қўйдик. Орадан кўп ўтмай Ҳасан ака Қориев бошлаган тўй ҳам ортиқча харажатларсиз ўтди. «Минг марта эшитгандан бир бор кўрган афзал», деганлари рост экан. Бир йил ичида маҳалламизда кўплаб тўй ана шу йўсинда ўтказилди. Орзу-ҳавасни мол-дунё билан ўлчащдек номуносиб ҳолат маҳалладошларимиз ҳаётидан ўчиб бормокда.

### Маҳалла — менинг уйим

Зулхумор билан маҳалла айланамиз. Кўчалар озода. Одамлар, бир-бирига тавозе билан салом беришади. Аксарият аҳоли ҳунармандчилик билан шуғулланади. Атлас ва адрас тўқиш ўқув марказида асосан қизлар меҳнат қилади. Иш бошланишида Марғилондан мутахассис чақиртириб, 20 нафар қизга стипендия тайинлаб ўқитилди. Ёнғоқ пўстлоғи, шафтоли гули ва бошқа ашёлардан тайёрланадиган ранглар катта мис қозонларда қайнатилади. Ҳозирда ўқув марказининг чопон, шарф, дўппи каби маҳсулотларига хорижликлар қизиқиши катта. Иккита тикувчилик цехида турли бичимдаги гулдор халатлар тикилади. Тадбиркор Муҳаббат Қосимова бошчилигидаги ишчилар эса чинни лойи тайёрлаб берадилар.

Тошпўлат уста Исмоиловни маҳалла аҳли яхши танийди. Ўз шогирдлари билан Хастимом мажмуи ҳовлисига ғишт ётқизган устанинг меҳнатлари «Шуҳрат» медали билан тақдирланди.

Хуллас, маҳаллада ҳамма бир-бирига елкадош. Яхши-ёмон, оғир-енгил кунларда ҳамроҳ. Кам таъминланган оилалар, боқувчисиз қолган кексалар, пенсионерлар ҳамиша эътиборда. Вояга етмаганлар посбон Султонмурод Муродхўжаевнинг назоратида. Байрамлар мунтазам нишонланади. Буларнинг барчасида Зулхуморнинг муносиб ҳиссаси бор.

— Яқинда маҳалламизда Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳамда «Elnajot» нодавлат нотижорат хотин-қизлар ташкилоти ҳамкорлигида ташкил этилган «Қайноналар мактаби» лойиҳасининг тақдимоти бўлиб ўтди, — дейди Ж. Ҳафизов хайрлашар чоғимизда. — Маҳалламизнинг кундан-кунга чирой очиб, яшариб бораётгани, одамларнинг ўзаро аҳиллиги ва жипслиги давлатимиз томонидан маҳалла институтини шакллантиришга кўрсатаётган юксак эътибори туфайлидир. Зеро, Юртбошимиз айтганидек, ўз юрти, ўз ерига юксак муҳаббат ва садоқат туйғуси, ҳалол ва мардона меҳнати билан буюк аждодлар руҳини эъзозлаб, ўзлигини асраб келаётган бундай олижаноб элга хизмат қилиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

**Гулчеҳра ЙЎЛДОШЕВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**




## Спорт • Sport • Спорт



***Эртага МҲСК стадионида Ўзбекистон ва Саудия Арабистони терма жамоалари футбол бўйича 2010 йилда бўладиган жаҳон чемпионати учинчи босқич саралаш учрашувида майдонга тушадилар.***

# Муҳим беллашув арафасидаги ғалаба

22 март куни эса ҳамюртларимиз Иордания миллий терма жамоасига қарши ўртоқлик-назорат учрашувини ўтказдилар. МҲСКда бўлиб ўтган беллашув футболчиларимизнинг йирик — 4:1 ҳисобидаги ғалабаси билан якунланди. Афсуски, беллашувда "Қурувчи" ва миллий терма жамоамиз етакчи ҳужумчиси Улуғбек Бақоев жиддий жароҳат олди. Энди у Саудия Арабистони билан бўладиган ўйинда майдонга туша олмайди. Шу куни яна бир ҳужумчимиз Зайниддин Тожиев ҳам жароҳат олди.

Умуман олганда, Иордания билан учрашув майдон эгаларининг тўлиқ устунлигида ўтди. Мусобақанинг 4-дақиқасида Сервер Жепаров дарвозабон билан яккама-якка чиқиб, мезбонларни олдинга олиб чиқди — 1:0. Орадан ўн дақиқа ўтгач меҳмонлар ҳисобни тенглаштиришга муваффақ бўлишди — 1:1. Шундан сўнг, Ислом Иномов, Фарҳод ва Зайниддин Тожиевлар томонидан киритилган голлар терма жамоамизнинг 4:1 ҳисобидаги йирик ғалабасини таъминлади.

Эслатиб ўтамиз, легионерлар Максим Шацких, Виталий Денисов ва Азиз Ибрагимовлар ўз жамоалари сафида чемпионат ўйинларида қатнашганлиги сабабли Иордания жамоаси билан бўлган учрашувга етиб кела олишмади. Улар Саудия Арабистони билан бўладиган муҳим учрашувда майдонга тушадилар.

# Олимпиада йўлланмалари яна кўпайди

Beijing 2008

***Қозоғистонда бокс бўйича Хитой пойтахти Пекинда жорий йилда бўладиган навбатдаги ёзги Олимпиада ўйинларига йўлланма берувчи халқаро турнир бўлиб ўтди.***

Аҳамиятлиси, унда қатнашган жиззахлик Хуршид Тожибоев ва наманганлик Тўлашбой Дониёровлар ўз вазн тоифаларида Олимпиада йўлланмаларини қўлга киритдилар.

Бугунгача ўзбекистонлик спортчилар ҳисобидаги Олимпиада йўлланмалари сони 31тага етди.

# Икки учрашувда 18 та гол

***Футбол бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси ҳам айни кунларда Туркияда ўқув-йиғин машғулотларини ўтказмоқда.***

Ёш футболчиларимиз Туркиядаги дастлабки ўртоқлик учрашувини Норвегиянинг "Клементе" жамоасига қарши ўтказиб, 9:0 ҳисобида зафар қучганди. Йигитларимиз иккинчи ўртоқлик учрашувида Норвегиянинг яна бир жамоаси "Клемметрструд"ни ҳам 9:0 ҳисобида доғда қолдиришди.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ.**

# «Ситора» якка пешқадам

**Бухоро шаҳридаги «Ситора» спорт мажмуасида чим устида хоккей бўйича олий лига жамоалари навбатдаги тур учрашувларини ўтказдилар.**

Ўнта ўйин натижасига кўра, мезбонлар турнирда якка пешқадам бўлиб олишди. «Ситора» хоккейчи қизлари учрашувнинг барчасида ғалаба қозонишди. Самарқанднинг СПКОР жамоаси ҳисобида эса тўққиз ғалаба, бир мағлубият бор. Андижоннинг СДЮШОР жамоаси учинчи ўринни банд этиб турибди.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



***Навоий вилоят хотин-қизлар қўмитаси ва Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти вилоят кенгаши ва қатор ташкилотлар ҳамкорлигида уюштирилган "Автоолам маликаси — 2008" мусобақаси ғолиблари маълум бўлди.***

# Автоолам маликалари

Хотин-қизлар ўртасида спортнинг техник ва амалий турларини оммалаштириш, йўлларда содир бўлиши эҳтимоли бўлган кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида уюштирилган мусобақада вилоятнинг шаҳар ва туманларидан келган ўттиз нафарга яқин пойгачи иштирок этди.

Автопойга Навоий ва Кармана шаҳарлари оралиғидаги 13,5 километрлик масофада ўтказилди. Мусобақа якунида Кармана туманидаги "Пахтабанк" бўлими ходими Моҳира Шарипова "Автоолам маликаси — 2008" ғолиби деб топилди. Яна бир карманалик уй бекаси Насиба Шодиева иккинчи, Маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими ходими Моҳира Шокирова эса учинчи ўринни эгаллади.

**Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**«ЎзДЭУавто Ко.» ёпиқ турдаги акциядорлик жамияти ўз фирма номини ўзгартирганлигини маълум қилади, шунингдек, 2008 йил 18 мартдан бошлаб компания «General Motors O'zbekiston» yopiq aksiyadorlik jamiyati («GM O'zbekiston» YoAJ/«GM O'z») деб номланади.**
**Фирма номининг ўзгартирилиши компаниянинг учинчи шахсларга нисбатан мавжуд бўлган ҳуқуқ, мажбурият ва жавобгарликларнинг ўзгаришига олиб келмайди.**

ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ДИҚҚАТИГА!

жорий йил 28 — 30 март кунлари

«ХАЛҚ ИСТЕЪМОЛ ТОВАРЛАРИНИНГ КЎРГАЗМА-ЯРМАРКА САВДОСИ РЕСПУБЛИКА МАРКАЗИ»ДА

Хитой Халқ Республикасида ишлаб чиқарилган

ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА ХЎЖАЛИК МОЛЛАРИ КЎРГАЗМАСИ

ўтказилади.

*Кўргазмада мебель, сантехника, ошхона жиҳозлари ва маиший электротехника буюмларини ишлаб чиқарувчи Хитойнинг етакчи фирма ва компанияларининг хилма-хил маҳсулотлари намойиш этилади.*

*Бу ерда сизни қизиқтирган маҳсулотларни харид қилиш бўйича бевосита уларни ишлаб чиқарувчилар билан шартнома имзолаш имкониятига эга бўласиз.*

*Кўргазма 3 кун давом этади.*
*Иш тартиби — 10.00 дан 17.00 гача.*

«ЎЗУЛГУРЖИСАВДОИНВЕСТ» УЮШМАСИ

Манзил: Тошкент шаҳри, Беруний кўчаси, 41-уй.
Мўлжал: метронинг «Беруний» бекати.
Маълумот учун телефонлар: 227-10-44, 227-10-85.

3 КУН ДАВОМИДА ХИТОЙ БИЗНЕСИНИНГ МЕҲМОНИ БЎЛИНГ!



Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 256. 44003 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.*

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — Қ. Хидиров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.00 Топширилди — 23.30 1 2 3 4 5 6 7